БАРҚАРОРЛИК– ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Александр Пацев ва элчихона биринчи котиби Д. Трофимов Андижон вилоятига ташриф буюрдилар. Меҳмонлар «МАСК» Ўзбекистон — Россия, «ЎзКарамКо», «ЎзСемюнгКо» қўшма корхоналари, «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти, теннис корти, «Боғи Бобур», «Чўлпон» миллий боғида бўлдилар. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси фаолияти билан танишдилар. Элчи жаноблари мустақиллик йилларида вилоятдаги катта ўзгаришлардан ҳайратланиб, бу ҳаммаси барқарорликдан деб таъкидлади. Меҳмонларни вилоят ҳокими Қ. Обидов қабул қилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ

Навоийдаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида бугунгача ацетилин чиқиндиси ёқиб юборилади. Энди бу хомашё чиқиндисидан қурумни ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилди. Натижада ушбу бирлашма ва «Электрокимё» корхонасида мазкур усулда йилига тўрт минг тоннага яқин техник углерод олиш имконияти юзага келди. Ҳозирча 50 тонна маҳсулот иккиламчи хомашё сифатида ишлатила бошланди.

Музаффар ШАРОПОВ

«ОИЛА, ЭКОЛОГИЯ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ»

Тошкент Олий педагогика институтида «Экосан» жамғармаси, «Экобилим» маркази билан ҳамкорликда ана шу мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди. Йиғилганлар «Республикадаги экологик вазиятни яхшилашда олий мактабнинг роли», «XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик муаммолари» ҳамда «Оила — маънавият бешиги» каби мавзуларда маърузалар тинглашди. Маърузаларда тарих фанлари доктори Ш. Шаропов, фалсафа фанлари доктори Ю. Шодиметов, профессор О. Мусурмонова ва бошқалар қатнашди.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ

ЯНГИ ЖУРНАЛ

Жаҳон футбол чемпионати бошланган кунларда «Бизнинг футбол» деб аталувчи рангли, ҳар ойда чиқариладиган янги журнал ўқувчилар қўлига тегди. Унинг саҳифалари республика футбол федерацияси президенти З. Алматов мақоласи билан бошланди. Дастлабки сонда шунингдек, жаҳон чемпионатига оид маълумотлар, юртимизда футболни янада ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ мақолалар ўрин олган. Ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган бу журнал ўз муштарийларини топмоқда.

Ғайрат УМАРОВ

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ

Қорақалпоғистонда истиқлолнинг етти йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, ижодий жамоалар ўртасида «Ўзбекистон: қушиқлар байрами» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда Ватан, мустақиллик, тинчлик, дўстлик, меҳнат ҳақидаги қўшиқлар янгради. Қонликўл тумани ҳокимлиги маданият ишлари бўлими қошида ташкил этилган «Лола» вокал-чолғу дастаси бадиий раҳбари Ўрозбек Салимов танлов ғолиби бўлди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 20 июнь, шанба • № 73 (22.310).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЯНГИЧА ФИКРЛАБ, ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши, пахта ва дон етиштириш, ғўза парвариши ва ғалла ўрим-йиғими қандай бораётгани, соҳага тааллуқли янги қонунларнинг жойларда қай даражада татбиқ этилаётгани билан танишиш мақсадида 18-19 июнь кунлари Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Президентимизнинг водий бўйлаб сафари Андижон вилоятидан бошланди. Дастлаб, Олтинкўл тумани "Намуна" жамоа хўжалигидаги Маъруф Насриддинов бошчилик қилаётган бригаданинг бўғдойзорлари кўздан кечирилди.

Деҳқон мавсумда ўз ташаббуси билан хориждан келтирилган юқори навли бўғдой уруғлигини гектар бошига ўртача 230 килограммдан эккан эди. Экин алоҳида меҳр ва эътибор билан парвариш қилингани туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Уруғлик сепилишидан илгари ер яхшилаб текисланганги, экин суғорилгандан кейин ўтоқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланганги ўз самарасини берди.

Хўжалик аъзолари билан суҳбат чоғида бу даладан ўртача 85 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш кўзланаётганлиги таъкидланди. Бундай юқори кўрсаткичга эришиш осон эмас, албатта. Лекин, деҳқонларнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги уларни шундай маррани мўлжаллашга ундади. Ҳақиқатан ҳам бўлиқ ҳосил пишиб етилди.

Президентимиз бундай ғайрат-шижоат учун деҳқонларга мамнуният изҳор этар экан, хўжалик аъзоларининг турмуши, меҳнат шароити билан қизиқди. Асосий эътибор ишни янгича ташкил этиш масалаларига қаратилди. Бунда гап қишлоқ хўжалигини юритишда, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришда пудрат усулини қўллаш ҳақида борди.

Ислом Каримов бу борада оила пудрати асосида иш юритиш бир қатор афзалликларга эга эканлигини таъкидлади. Бу усул меҳнат, иш ҳақи тақсимотида анча енгиллик келтириб чиқаришини уқтирди.

Масалан, битта бригадада ўртача 80 киши ишлайди, оилавий пудрат усули бўйича эса асосан оила аъзолари, яъни ўртача ўн киши меҳнат қилади. Бригададаги саксон кишининг ҳаммаси ҳам бир хил ишламаслиги равшан, масъулият ҳам муайян шахс эмас, бутун жамоа зиммасига тушади. Бу эса иш ҳақини тақсимлашда маълум англашилмовчиликлар, баъзида адолатсизликларни келтириб чиқаради. Аниқроқ айтганда, кимдир нисбатан озроқ ё сифатсизроқ ишлайди, кимнингдир меҳнати эса сифатлироқ ва унумлироқ бўлади. Аммо бригада битта бўлгани боис уларнинг иккаласи ҳам қарийб бир хил миқдорда ҳақ олади. Бу деҳқонда ўз меҳнати натижаларидан қониқмаслик ҳиссини уйғотиши табиий. Натижада ишга масъулиятсизлик, меҳнатга совуққонлик пайдо бўлади, ҳосилдорлик камаяди, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўла бошлайди.

Оила пудрати шароитида эса, хўжалик аъзоларининг меҳнатга муносабати тамомила ўзгача. Самарадорлик камайса, бунинг учун масъул бўлган муайян шахс мавжуд, иш ҳақини тақсимлашда юқоридаги каби адолатсизлик бўлмайди. Бу жараён бора-бора пайчиликка айланиб кетади. Замон эса айнан шу усулда иш юритишни тақозо этмоқда. Эндиликда боқимандалик, мулкка бефарқ муносабат, буйруқбозлик билан ишлайдиган даврлар ўтиб кетди. Бугунги кунда ҳаммамиз янгича фикрлаб, янгича ишлашни ўрганишимиз лозим.

Ислом Каримов меҳнаткашлар билан учрашувларда уларнинг шу хусусдаги фикри билан қизиқди.

— Бу ерга келишдан асосий мақсад, кишиларнинг турмушини кўриш, уларнинг меҳнат фаолиятида юзага келаётган муаммолар, турли қийинчиликларни ўрганишдан иборат. Яқинда соҳага доир янги қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Жойларда бу борадаги аҳволни, алоҳида вилоят, туманлардаги вазиятни ўрганиб, янги қонунларнинг амалда кишиларга қандай наф келтираётганини, уларни қониқтирмаган жиҳатларини ўрганишни ҳам мақсад қилган Ислом Каримовдан деҳқонлар ўз фикрларини яширмадилар.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ҳисоб-китоб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Гап шундаки, кўпчилик деҳқонлар ўз меҳнатининг пировард натижасида қанча ҳосил олиш мумкинлигини, қандай кўрсаткичларга эришишини тахмин қила олади. Лекин, пировард даромад, соф фойда миқдори ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. Бу ҳам маълум маънода ривожланишни оқсатадиган омиллардандир.

Мамлакатимиз раҳбари Балиқчи туманидаги қатор жамоа хўжаликлари участкаларида бўлиб, пахта ва ғалла майдонларини кўздан кечирар экан, бу ерларда ҳам меҳнаткашлар турмуши, иқтисодий-ижтимоий вазият билан яқиндан танишди. Ижтимоий-иқтисодий вазият деганда, бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, Мунисхон Муродиллаева раҳбарлик қилаётган "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида 11 минг киши яшайди. Лекин, улардан 3 минг нафаригина хўжаликда меҳнат қилади, холос. Раисанинг айтишича, хўжалик ҳудудида бир фабрика, кичик цехлар, маиший хизмат шаҳобчалари бор. Аммо, фабрикада 300 киши, қолган корхоналарда ҳам тахминан шунча одам ишлаши ҳисобга олинса, меҳнат билан банд бўлган аҳоли сони 4 мингдан ошмайди.

Андижон вилоятида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Чунки, вилоятда аҳоли кўп ва зич жойлашган. Демографик харитага назар солган киши унинг нафақат республика ёки Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёда ҳам аҳоли зичлиги бўйича юқори ўринларда турганини кўради. Бунинг устига, ушбу вилоятда нуфус йилига 3 фоиз кўпаймоқда. Шу боис, Ислом Каримов ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга жалб этиш кераклигини таъкидлади. Дарҳақиқат, қишлоққа саноатни олиб кириш зарурлигини Президентимиз кўп бор уқтирган. Шундай қилинса, маҳаллий аҳоли иш билан тўлароқ таъминланади, эҳтиёжининг катта қисми шу ердаги ишлаб чиқариш ҳисобига қопланади, боқимандалик қайфияти, жиноятчилик ва бошқа иллатлар илдиз отмайди. Бироқ, афсус билан таъкидлаш керакки, қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик корхоналар очиш ишлари ҳамон кўнгилдагидек эмас.

— Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси барпо этилгач, минглаб одамлар иш билан таъминланди, замонавий касб-ҳунарга эга бўлди. Лекин, бир-иккита йирик корхона билан кўпчиликни иш билан банд этиб бўлмайди. Хўжаликларда кичик корхоналар очишни кучайтириш керак, — деди Президент.

Кичик корхона ташкил этишда, аввало, шароитни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш керак. Жойларда қандай имконият ва қанақа эҳтиёж борлигини билиш лозим. Бозор шароити, муҳит, нимани ишлаб чиқариш ва сотиш учун қулаю, нима ноқулай? Андижон вилоятида ва умуман республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам бу масала, афсуски, ҳали чуқур ўрганилмаган.

— Бозорни ўрганиш керак, — деди Ислом Каримов, — фақат шундан кейингина тавсия ва таклифларни илгари суриш мумкин. Биз янги замонда яшаяпмиз. Четдан кимларнингдир келиб бизга кўмак беришига умид қилиш — хато.

Президент боқимандалик кайфиятида нима бўлганда ҳам "юқоридагилар ўйласин" деган фикрда яшайдиган даврлар аллақачон ўтиб кетганини яна бир бор қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, одамларни зўрлик билан ишлатиш, уларни мажбурлаб бирор тартиб жорий қилиш даври ўтди. Энди ташаббус ўзимиздан чиқмоғи лозим.

Сафар чоғида Ислом Каримов Андижон туманидаги ғалла уруғчилиги тажриба майдонида бўлиб, олимлар синовдан ўтказаётган турли буғдой навларини кўздан кечирди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Дилшодбек Эралиев мамлакатимиз раҳбарига тажриба жараёнлари, эришилаётган натижалар ҳақида сўзлаб берди. Раҳбар ходимлар, мутахассису олимлар билан мулоқот чоғида Ислом Каримов "Краснодар", "Авукрум", "Крошка", "Юна", "Деметра", "Купава" сингари қатор буғдой навларининг хусусиятлари, ҳосилдорлиги, иқлим шароитига мослиги, касалликларга чидамлилиги билан қизиқди. Шунингдек, юртбошимиз уруғчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ҳақида сўзлади.

— Ғалла мустақиллигини қўлга киритиш учун 4,5 миллион тонна ҳосил йиғиб олишимиз зарур, — деди Президент. — Бунинг учун эса уруғни ўз вақтида етказиб бериш керак. Андижон вилояти қарийб бутун республикадаги суғориладиган ерлар учун уруғлик буғдой етиштириб беради. Бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат бор. Уруғни танлаш ва кўпайтиришда ҳар бир вилоятдаги тупроқ ҳамда иқлим шароитини инобатга олиш лозим.

Президент ўтган йилги уруғлик буғдой кўп томонлама яхши натижалар берган бўлса-да, айрим жойларда эътироз ҳам туғилганини айтиб, масаланинг сиёсий жиҳатига тўхталди ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун аввало иқтисодий жиҳатдан тўла мустақил бўлишимиз кераклигини қайд этди.

Ғалла майдонларини кезар экан, давлатимиз раҳбари меҳнаткашларнинг "Кейс" компанияси комбайн ва тракторлари ҳақидаги фикри билан ҳам қизиқди. Улар бу машиналарнинг ҳар томонлама қулайлигини мамнуният билан таъкидлашди.

— Бу ерларда ҳосил шу қадар мўлки, уни илгариги комбайнларда ўриб бўлмайди, — деди Ислом Каримов меҳнаткашлар билан мулоқотлардан бирида. — Чунки, эски русумли комбайнлар ҳосилнинг катта қисмини нобуд қилади. "Кейс"лар эса улардан бир неча баробар тез, сифатли ишлайди. Бу машинада ҳайдовчи учун яратилган шарт-шароит ҳам тамомила ўзгача.

Андижон бўйлаб сафари чоғида Президент Ислом Каримов Хўжаобод туманидаги ерости газ омбори қурилишида ҳам бўлди. Лойиҳасининг умумий қиймати 200 миллион АҚШ долларига тенг мазкур иншоот бутун Фарғона водийси аҳолисини газ билан таъминлаш кувватига эга. Мутахассислар Ислом Каримовга омборга ўрнатилган қурилма ва жиҳозларнинг ишлаш жараёни, қурилиш ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Иншоотнинг биринчи навбатини 15 августда ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иншоот билан танишар экан, уни янада сифатлироқ қуриш, жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналар билан таъминлаш, техника хавфсизлигига қатъий риоя этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шу куни Ислом Каримов Фарғона вилоятига ҳам ташриф буюриб, Қува шаҳрида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйига бағишлаб барпо этилаётган Шаҳристон меъморий мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Мазкур мажмуа Қува тепалигида бунёд этилмоқда. Тепаликда қазилма ишлари ўтказган олимлар ундан ноёб тарихий ашёлар, осори-атиқалар топмоқда. Қурилиш ишлари билан танишар экан, Президент:

— Бу ерда ўтказилаётган қазилма ишларига илмий нуқтаи назардан туриб, ўта жиддий ёндошмоғимиз зарур, — деди. — Бу заминда ал-Фарғонийдек буюк алломаларимиздан илгари ҳам тараққиёт ривож топган. Аминманки, қазилма ишлари давом эттирилса, 2,5 — 3 минг йиллик тарих юзага чиқади.

Ислом Каримов Шаҳристон мажмуини янада гўзал ва обод этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, маслаҳатлар берди.

Сафарнинг иккинчи куни Президент Ислом Каримов Фарғона шаҳрида бунёд этилаётган ал-Фарғоний номидаги марказий майдон ва истироҳат боғига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёни билан танишар экан, бу ерда собиқ тузум даврида шўролар мафкурасига хизмат қилган, ўзбек халқининг ғурурини поймол этадиган ёдгорликлар ҳали-ҳануз кўзга ташланаётганини танқид қилди.

— Биз абадий қоладиган масканларни барпо этишимиз лозим, — деди Президентимиз. — Ҳар бир ашёни нозик дид билан ишлаб чиқиш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак. Ал-Фарғонийнинг ҳайкали, боғдаги дарахтлар, фавворалар, ариқлар, йўлакларнинг ҳаммаси шундай бўлиши керакки, бу ерга кирган киши ҳузур қилсин. Шундагина бунёд этилаётган бу маскан ҳақиқатан ҳам чинакам оромгоҳ бўлади.

Ислом Каримов Фарғона кимёвий толалар заводи қошидаги "Полиамид-6" корхонасида бўлиб, фаоллар билан суҳбатлашди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, маҳсулотнинг эҳтиёждан ортиғи экспортга чиқарилади. Бу экспорт ҳажми 21 миллион АҚШ долларини ташкил этади, демакдир.

Дастлаб, корхонада фақат гранула ишлаб чиқарилган эди. Кейинроқ унга автомобиль шиналарини мустаҳкамлигини оширадиган махсус қатлам — шина корти қўшилди. Яқин келажакда палос тагликлари ҳам ишлаб чиқарила бошланади. Мутахассисларнинг айтишича, сарфланган харажатлар беш йилда қопланади. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари корхонада меҳнат қилаётган хорижлик ҳамкорлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг юртимиздаги ҳаёти, меҳнат шароити билан қизиқди.

Ислом Каримов Фарғона вилояти ҳокимлигида фаоллар билан бўлган учрашувда ислоҳотларни жадаллаштириш, унда раҳбардан тортиб оддий деҳқонгача фидойилик кўрсатиб ишлаши лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Учрашувда қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг оила пудрати, аҳолини иш билан таъминлаш сингари ижтимоий масалалар хусусида сўз юритилди.

Йўлбошчимиз эл-юрт учун, Ватан манфаати учун астойдил ишлаш лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Шундагина мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, халқнинг турмуш даражасини оширишга эришиш мумкин, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиз раҳбарининг Андижон ва Фарғона вилоятларига сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов, Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов ҳамроҳлик қилди.

Президент Ислом Каримов 19 июнь куни Тошкентга қайтиб келди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ФУТБОЛ ВА СИЁСАТ

Германиянинг «Тагесшпигель» газетаси футбол билан сиёсат алоқаси ҳақида мулоҳаза юритади. Хайриятки жаҳон чемпионатида ҳозиргача сиёсий мунозаралар юз бергани йўқ. Гарчи чемпионат иштирокчиларидан бири — Югославия футбол майдонида Эронга қарши тўп сураётган пайтда Косовадаги жанг майдонида эса албанларга қарши курашаётган эди. Сиёсатчилар, журналистлар, ФИФА ва чемпионат ташкилотчилари футболни сиёсатдан ҳоли этиш ҳамда эркин ўйин тарафдори эканликларини билдиришди. Эрон билан Югославия ўртасида ўйин бўлаётган пайтда Югославиянинг бадиий фильми намойиш этилаётган эди. Ушбу фильмда Эрондаги Ислом тартиблари танқид остига олинганди. Шу боис ҳам Эрон ғазабланиб ўз терма жамоасини чемпионатдан чақириб олишига барча асослар бор эди. Бироқ, Теҳрон бунга йўл қўймади. Айниқса, бу жамоанинг АҚШ терма командасига қарши ўйини қизиқарли бўлиши кутилган эди. Эроннинг ўз жамоасини чемпионатдан чақириб олмаганлигининг сабаби ҳам шуки, жаҳон чемпионати дастуридан умуман сиёсатни олиб ташлаш ҳаммага ҳам манзур бўлди.

ҲАМОН МАҚТАНМОҚДА

Ҳиндистон яқин келажакда ҳар қандай босқинчини даф этишга қодир ядро потенциалини яратади. Бу ҳақда Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес айтди.

АҲДГА СОДИҚЛИК

Покистон ўзнинг бир ёқлама қабул қилган аҳдига содиқ қолишга қарор қилди. Бу мамлакат 30 май куни ядро синовларини ўтказишга чек қўйиш ҳақида қарор қабул қилганди. Бу ҳақда Покистоннинг юқори мартабали дипломати айтди. Бунда босиқлик тактикасига риоя қилиш муҳимдир. Бундан ташқари икки мамлакат ўртасида қуролли кучларнинг тенглигини таъминлаш тинчликни сақлашдаги муҳим воситадир.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Америка Қўшма Штатларига ташриф буюрган Франция Бош вазири Лионель Жоспен Америка иқтисодиётининг янги ишчи ўринлари яратиш борасидаги тажрибасига юксак баҳо бериб, уларга ҳавас қилса арзийди деди. У аввалига малакасиз ишчилар учун бу ерда ишчи ўринлари яратилганлиги бу соҳадаги ютуқларнинг боиси деб ўйлаган экан. Француз раҳбарининг айтишича, аслида бу ерда юксак малакали ишчилар учун юқори технологик тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳасида янги ишчи ўринлари яратилган экан. Кеча Лионель Жоспен Президент Клинтон билан учрашди.

ВАКИЛЛАР ТОКИОГА КЕЛАДИ

Бугун «Катта еттилик» мамлакатлари молиявий идораларининг юқори мартабали вакиллари Токиога келади. Улар бу ерда Японияда яқин келажакда амалга оширилиадиган иқтисодий ислоҳотлар режаси билан танишадилар. Шошилинч учрашув давомида Осиё мамлакатлари ва халқаро молия институтларининг вакиллари ҳам бу учрашувда қатнашишади.

ҲАМКОРЛИККА ШАЙ

Эрон Ислом Республикаси Америка нефть компанияларининг Эрон ҳудудидаги нефть ва газ конларини ишга тушириш бўйича тендерда иштирок этишига қарши эмас. Бу ҳақда Эрон миллий нефть компаниясининг халқаро бўлими раҳбари Ғаними Фарид айтди. Унинг айтишига кўра, Эрон расмий кишиларининг фикрича, айни пайтда Америка йирик бизнеси вакилларининг эронлик шериклари билан икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлидаги ҳамкорлигига ҳеч нарса халақит бермайди. Бироқ Ғаними Фариднинг айтишига кўра, Америка компаниялари Эрон билан ҳамкорлик ҳақидаги ниятларини Клинтон маъмурияти билан келишиб туриб амалга оширишлари зарур. Балки расмий Вашингтон Эрон Республикаси билан кооперациядан тушадиган нақд дивидендларни олишга унчалик қизиқмаётгандир, деди у.

Маҳалла — аҳиллик қўрғони

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Наманган вилояти Наманган шаҳри ва Тошкент шаҳар Сирғали тумани ўзаро биродарлашган шаҳарлар ҳисобланади. Шаҳар миқёсида иш юритиш, ижтимоий ҳаётдаги юксалиш жараёнлари хусусида фикр алмашиш одатий тусга кириб бормоқда.

— Декабрь воқеалари наманганликларнинг жамоат ва давлат идораларида фаолият тизимини тубдан ўзгартиришни тақозо этди, — дейди Наманган шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Нурбек Абдуллаев. — Айниқса, маҳаллалар иш услубини яхшилаш, аҳоли орасида тушунтириш ишларининг таъсир кучини ошириш муҳим масалалардан бирига айланди. Шу мақсадда шаҳардаги маҳаллалар оқсоқолларининг бир гуруҳини Тошкентга — иш ўрганиш, тажриба алмашиш учун олиб келдик.

Ҳа, тарихнинг тонг каби беғубор саҳифаларига декабрь воқеалари қоп-қора қаламда ёзиладиган бўлди. Наманган шаҳридаги мавжуд маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари қайта аттестациядан ўтказилди. Натижада маҳалла раисларининг бешдан икки қисми ўз ишига нолойиқ деб топилди.

Сафар асносида биз айрим маҳаллалар раисларини суҳбатга тортдик.

«Ҳақиқат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон ака Қутбиддинов:

— Аввало, Тошкент шаҳрининг ободонлашгани, салобатли биноларнинг қад ростлаганини кўриб, давлатимизнинг келажаги албатта, буюк бўлишига ишонч хосил қилдим. Теннис корти, Темурийлар тарихи давлат музейи, Миллий боғ жаҳон андозалари қаторида мухташамлашгани мамлакатимиз қудратидан нишонадир.

«Меҳнатобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Зокиров:

— Биз Сирғали тумани маҳаллаларининг иш юритиш услубидан кўп нарса ўрганса-сак арзиркан. Кўп қаватли биноларда яшовчи фуқароларнинг иссиқ-совуғидан хабар олишнинг тартиби, тўй, маъракаларни уюшган ҳолда, белгиланган жойларда ўтказилиши маҳаллалар оқсоқолларига ўзига хос масъулият юклайди. Бу тажриба менинг кейинги фаолиятимга асқотади.

Наманганликларнинг миннатдарона фикрлари Наманган шаҳар ҳокимияти уюштирган ушбу сафар самарали бўлганлигини билдиради.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Сирғали туман бўлими раиси Аъзамжон Гадойбоев:

— Биз, ўзбекистонликлар бир оила фарзандларимиз. Долғали замонлар силсиласида миллий анъаналаримиз жилоси бироз хиралашди. Баъзи урф-одатларимиз мамлакатимизнинг қайсидир бурчагида сақланди, қаердадир сақланмади. Аввало, миллатимиз шаънини халқлараро юксалтирадиган миллийлигимизни тиклаш бизларни биродарлаштирди.

Дунёда ягона университет бор — бу ҳам Ўзбекистонда, яъни маҳалла университети. Чет элларда қўшнилар муаммоси энди кўтарила бошланди, у ҳақда махсус қўлланмалар ёзиляпти. Бизда ушбу ҳаёт дарслиги мингминг йиллар олдин мавжуд эди, — деди.

«Сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» — деганларидек, тажриба алмашиш ҳар томонлама фойдали ва мазмунли бўлди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шеробод туманидаги Нуриддин Муродов номли фермер хўжаликлари бирлашмасида ғалла ўрими қизғин давом этмоқда. Миришкорларнинг нияти — мавжуд 1738 гектар майдонга экилган ғалладан камида 6200 тонна хирмон барпо этиш. Улар ҳосилни қисқа муддатда сифатли ўриб-янчиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишаётир. Айни пайтда далаларга чиқарилган ўнта комбайн юксак унум билан ишлатилмоқда. Механизаторлар икки сменада тер тўкишаётир. Даланинг ўзига иссиқ овқат келтирилмоқда. Шифокорлар ҳам улардан хабар олиб туришибди. Транспорт, таъмирлаш, ёқилғи билан таъминлаш хизматлари ҳам ташкил этилган. Айни пайтда хўжалик деҳқонлари элеваторларга бир ярим минг тоннадан зиёд буғдой етказиб беришди.

СУРАТДА: хўжалик далаларида ўрим қизғин.
Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат



Баҳс-мунозара

ДИЛДАГИ ГАПЛАР БЎЛИБДИ

Газетамизнинг шу йил 9 июнь сонида «Наҳорги ошлар кони фойдалими?» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда муҳим мавзу кўтарилган бўлиб, миллий расм-русумлар ва урф-одатларнинг соғлом турмуш тарзи, соғлом авлодни шакллантиришдаги баъзи зарарли оқибатлари ҳақида фикр юритилган. Бир сўз билан айтганда, мақола муштарийларда катта қизиқиш уйғотди. Таҳририятимизга турли фикр-мулоҳазали хатлар кела бошлади. Қуйида шулардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Газетада ёритилган суҳбатни зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Сабаби унда жуда кўпчиликнинг дилидаги гаплар рўй-рост тилга олинган. Назаримда, аксарият ҳамюртларимиз Баҳодир Махситов (отасига минг раҳмат!)нинг фикрларига юз фоиз қўшилади. Чунки, бу муаммо анчадан бери одамларнинг дилида бўлган, лекин шарқона истиҳола оқибатида айтилмаган, илгари сурилмаган. Яна бир бор такрорлашни истардимки, мақолада келтирилган барча мулоҳазаларга қўшиламан. Рост-да, саҳар мардонда ноиложликдан туриб, ланж бир кайфиятда ўзингнинг «фуқаролик бурчинг»ни бажариш, яъни ош ейиш учун айтайлик, шаҳарнинг нариги четига жўнайсан. Тун бўйи ором олган меъдага бирданига кучли таом — ёғлиқ ош тушади. Бу ҳар томонлама соғлиққа зарарлигини биламиз, лекин начора, ўзбекчилик-да, деймиз.

Мана, тўйлар мавсуми ҳам бошланиб кетди. Албатта, ҳаммани тўйларга етказсин. Аммо, ҳар куни эрта азонда, соат 4-5 дан туриб наҳорги ошга бориш баъзан кишини толиқтириб қўяди. Дейлик, соғлиқ важидан ёки бошқа сабаблар туфайли, баъзиларни бу ҳолат анча ташвишга солади, яна бир- икки соат дам олгиси келади. Аммо, азбаройи таклиф қилган тўй эгасига бўлган ҳурмат-эҳтиром туфайли кўпчилик эриниб бўлса-да боради. Ҳа, энди кўпга келган тўйда, дейиш ҳам мумкин. Бироқ, эрталаб соат тўртдан туриб олиб, кучли таомни истеъмол қилиш, сўнгра кун бўйи ланж юришнинг ҳам чеки бўлиши керак-да. Бу ҳолат кунда, кунора, уч-тўрт ой такрорланса-чи? Шунинг учун мен наҳорги ошлар пешинда ўтказилиши тарафдориман. Бу ҳам тўй эгаларини, унинг қариндош-уруғларини ҳамда қўни-қўшниларини уйқусизликдан халос этса, меҳмонлар учун ҳам қулайлик яратади. Бундан ташқари тиббий жиҳатдан ҳам, ўзбекчилик жиҳатидан ҳам маъқул иш бўларди, деган фикрдаман.

Ў. КОМИЛОВ

КОТИБ ЎЗГАРДИ

ХДП хабарлари

Ўзбекистон ХДП Учқудуқ туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Кенгаш биринчи котиби М. Сейитназаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди. Шаҳардаги касб-ҳунар лицейи директори ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Н. Идрисов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

ДЕПУТАТ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП Навбаҳор туман ижроия кенгаши бюросининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик қўшма корхонасининг бош директори, ХДПдан Ўзбекистон Олий Мажлис депутати Ў. Рўзиқулов ўз амалий фаолияти ҳақида ахборот берди. Депутат Олий Мажлис ўн биринчи сессиясидан кейинги қилинаётган ишлар, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари хусусида сўзлаб берди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Навоий вилояти кенгашининг биринчи котиби Р. Ботиров иштирок этди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЁШЛИК»ДА ДАМ ОЛИШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларининг аълочи ўқувчилари, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган етим болаларнинг ёзги дам олиш таътилини самарали ўтказиш мақсадида «Ёшлик» саломатлик марказини ташкил этишдек хайрли ишга қўл урди.

Республикамизнинг турли вилоятларидаги умумтаълим мактаблари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан иборат 220 нафар ўқувчилар «Ёшлик»да ҳордиқ чиқариш учун жўнаб кетдилар. У ерда 20 нафар энг тажрибали ўқитувчилар ҳамда бир гуруҳ тарбиячилар ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари билан бир қаторда таътил машғулотларини ўтказишга, уларнинг сиҳат-саломатликларининг тикланишига ҳам алоҳида аҳамият беришади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

ҚОНУН КИМ ТОМОНДА?

Асаббузарликнинг бари гўё транспортда рўй берадигандай... Яқинда Янгиер-Тошкент тезюрар автобусида келаётгандик. Бегим куни учунми йўловчилар унчалик тирбанд эмас. Янги Чиноздан бир аёл 5-6 яшарлик бола етаклаб чиқди. Чипта сотувчи йигит ҳалиги онаси тенги аёл билан баҳслаша бошлади. Йўловчи: «Болам энди 5 яшар бўлди-ку, нега пул тўлайман?» деса, чиптачи «Бола 5 яшар бўлсаям чиптанинг 50 фоизини тўлашингиз шарт» дейди. Хуллас, жанжал шу даражага етиб, ҳайдовчи ярим йўлда она-болани автобусдан тушириб юбормоқчи бўлди. Биров уни, биров буни оқлади, қоралади.

Ўзингиз ўйланг, шундай кезда ким бориб, нозимхонага учрашиб, масалага ойдинлик киритади. Асаблари таранглашган йўловчи манзилига етиб ҳам келди, дейлик.

Бу ҳолат фақат шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автобуслардагина рўй бермайди. Кўп бор гувоҳи бўлганман, пойтахтдаги метрода, троллейбусда, автобусда ҳам шу каби можаролар бўлиб туради.

Хўш, шундай ҳолатда ким ҳақ? Қонун қайси томонда?

Аслида масалани ҳал этишнинг ҳеч қийин ери йўқ. Таклиф этардим: транспорт воситаларида турли хил рекламаларга кенг ўрин бериш ўрнига, ёш болаларга неча ёшдан чипта умумий баҳосининг неча фоизи миқдорида пул тўлаш кераклиги ёзиб қўйилса. Бу ҳайдовчи-ю, паттачи, асосийси йўловчи учун фойдадан ҳоли бўлмасди.

Сайёра НОРМАТОВА,
Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги.

ХАТТОТЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

Туркияда тўртинчи халқаро хаттотлар танлови бўлиб ўтди.

Унда жаҳоннинг 38 мамлакатидан 840 киши юборган 1800 дан кўпроқ хаттотлик ишлари намойиш этилди. Танловда Ўзбекистон Бадиий академияси хаттотлик шўъбаси аъзоларидан етти киши ўн бир асари билан қатнашди.

Танловга тақдим этилган ишлар хаттотликнинг машҳур ўн тўрт йўналиши бўйича баҳоланди. Жами 110 хаттот ғолиб деб топилди. Улар орасида ҳамюртларимиз Ҳабибулло Солиҳ ва Ислом Маматов ҳам бор.

Ҳозирги кунда ҳам айрим замонавий иншоотларда, жумладан, пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейида хаттотлик безаклари бу кошонога алоҳида кўрк ва улуғворлик бахш этиб турибди.

Бахтиёр МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири

ШУНДАЙ ХИРМОН УЮЛДИ

Андижон вилояти пиллакорлари зафар маррасини эгалладилар. Қабул пунктларига 2401 тонна «кумуш тола» топширилди. Ҳар бир қути ипак қуртидан ўртача 51,2 килограммдан пилла олинди.

Андижоннинг улкан пилла хирмонига Балиқчи, Пахтаобод, Асака тумани пиллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Олтинкўл туманидаги С. Ашуров номли жамоа хўжалиги пиллакорлари уруғлик ҳосил етиштириш шартномасини биринчилардан бўлиб бажариб, шу кунгача 10,6 тонна ўрнига 13,8 тонна элита пилла топширдилар.

Соли АҲМАДУЛЛАЕВ

* * *

Тошкент вилояти «кумуш тола» ижодкорлари ҳам йиллик пилла топшириш режасини ортиғи билан бажардилар. Ватанга 920 тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё топширилди. Шуниси қувончлики, пилланинг 85 фоизини юқори навлар ташкил этди.

Бу муваффақиятга Оққўрғон, Бўка, Қуйичирчиқ, Бекобод, Ўртачирчиқ туманлари пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Вилоят хўжаликларида пилла топшириш давом этяпти.

Юнус ЗИЁДОВ

АҚИДАПАРАСТЛИК:

Динларнинг барчасида ҳам диний таълимотни замонга мослаштириш, ислоҳ қилишга уриниш билан бир қаторда ақидаларни ўзгаришсиз, аслидагидай сақлашга уринишлар бўлган. Шундай йўналишлар ислом динида ҳам мавжуд. Бу йўналишлар турли мамлакатларга турли мутаносибликда, турли миқёс ва даражада тарқалган.

Исломдаги ақидапарастлик бу дин оламга ёйила бошлаган дастлабки асрлардаёқ мавжуд эди. Аммо бир неча асрдан кейин ўсган бир куч сифатида майдонга чиқди. XVIII асрдан бошлаб эса ақидапарастликнинг кўринишларидан бўлган ваҳҳобийлик оламга тарқалди. XX аср нинг сўнгги чорагида бу оқим бир қатор мамлакатларда, жумладан МДҲга аъзо мамлакатларда ҳам барқарорликка таҳдид сола бошлади.

Ақидапарастликнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлмиш ваҳҳобийлик ханбалий мазҳаби таркибида шаклланди. Унинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун ханбалий мазҳаби тўғрисида ҳеч бўлмаса умумий тасаввурга эга бўлиш керак. Ваҳҳобийликнинг ханбалий мазҳабдан ўсиб чиқиши тасодифий эмасди. Бунга XVIII аср бошларидаги тарихий муҳит ва ханбалий мазҳаби ақидаларидаги ўзига хосликлар сабаб бўлди.

Суннийлик оқимидаги тўрт йирик мазҳабдан бири бўлган ханбалийликнинг асосчиси Аҳмад ибн Ханбалдир. Бу диний арбоб ҳақидаги маълумотлар унинг жияни Ханбал ибн Исҳоқнинг «Табоқат ул-ханабила» китоби орқали бизгача етиб келган.

Аҳмад ибн Ханбал 780 йилда Бағдод шаҳрида туғилган. Баъзи маълумотларда у Марказий Осиёда ёки Марв шаҳрида туғилган, деган таҳминлар бор. Лекин тарихий тадқиқотлар унинг Бағдодда туғилганини тасдиқлайди. Уни Марказий Осиёда туғилган, деб кўрсатилишига сабаб эса, онаси марвлик бўлиб, ҳомиладор ҳолатда Бағдодга борганида экан.

Ханбалнинг отаси Аббосий халифаларнинг Хуросондаги кўзга кўринган лашкарбошларидан бири бўлган. У арабларнинг шайбон қабиласидан бўлиб, Марказий Осиёдан Бағдодга қайтиб боргач, орадан кўп ўтмай вафот этади.

Ибн Ханбалнинг диний арбоб сифатида шаклланишида унинг ўқиш даври муҳим роль ўйнаган. У 795 йилда, яъни 15 ёшида пайғамбар ҳадисларини жиддий ўргана бошлайди. Бу даврда ҳадисларни махсус ўрганувчи диний фан — илм ал-ҳадис шаклланаётган бўлиб, ҳадислар турли томондан тадқиқ қилинаётган, Қуръонга зид келиб қолган ҳадислар китоблардан чиқариб юборилаётган пайт эди. Ибн Ханбал ҳадисларни чуқур биладиган йирик фиқҳ олими бўлиб етишишида унинг дастлабки устози муҳаддис Хушайим ибн ас-Суломийнинг хизмати катта. Ибн Ханбал унда олти йил таълим олиб, ўзи ҳам муҳаддис, яъни пайғамбар ҳадисларини шарҳловчи бўлиб етишди ва зиёрат қоидаларига бағишланган «Китоб ал-ҳаж»ни ёзди. Бу китобга мингга яқин ҳадис ва Қуръоннинг баъзи суралари тафсири кирди.

Ибн Ханбалнинг ана шу дастлабки маслакдошлари у билан бирга ханбалий мазҳабга ва шу ном билан аталадиган ҳаракатга асос солганлар. Абул-Ҳусайн юқорида номи зикр этилган китобида таъкидлашича, ибн Ханбал Макка ва Мадинада ва умуман, Ҳижозда яшаган йирик муҳаддис ва фиқҳ олимлари Суфён ибн Уйайна, Иброҳим ибн Саад, Абу Довуд ас-Сижистоний сингари нуфузли зотлар билан яқин муносабатда бўлган. Буларнинг ҳар бири ислом оламида катта обрўга эга бўлиб, уларнинг кўплаб шогирд ва издошлари бор эди. Бундай таниқли шахслар билан яқин муносабатда бўлиш ибн Ханбалнинг кейинчалик шуҳрат қозонишига катта ёрдам берди.

816 йилда ибн Ханбал Бағдодга қайтиб келади ва илм-алҳадис ва фиқҳни ўрганишда давом этади. Энди у анча танилган уламо бўлиб, унинг ҳақида шофеъийлик мазҳабининг асосчиси ҳам жуда илиқ сўзлар айтади. Бу эса унинг обрўсига обрў қўшади.

VIII асрнинг охири, IX аср бошларида исломда суннийлик билан бирга мутазила оқими ҳам пайдо бўлиб ривожлана бошлади. Бу оқимнинг асосчиси Восил ибн Ота бўлиб, у бир қанча масалаларда суннийлик оқимига тўғри келмайдиган ва унга зид фикрларни илгари сурди. Масалан, у суннийликдаги «тақдири илоҳий» тўғрисидаги таълимотни инкор қилди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир иш Оллоҳнинг иродаси билан бўлади; кишиларнинг тақдири азалда белгиланган дейиш, Оллоҳнинг одиллигига шубҳа туғдириши мумкин. Чунки, унинг таъкидлашича, Оллоҳ ўз буйруғи билан қилинган нотўғри ишлар учун одамларни жазоламайди. Восил ибн Отанинг бу фикрлари унинг «Фит-тавҳид вал-адл» китобида жамланган. Восил ибн Отанинг бу таълимоти ўзидан кейинги давр адабиёти, санъати ва фалсафасига кучли таъсир кўрсатган. Масалан, йирик файласуф, олим, шоир Умар Хайём ижодида мутазила таъсири аниқ сезилиб туради. Лекин шоирнинг «тақдири илоҳий» ҳақидаги таълимотга қарши билдирган фикрлари ва ёзган шеърларини атеистик руҳдаги фикр ва шеър, ёки ҳурфикрлилик намунаси, дейиш менимча унча тўғри бўлмайди. Бу фикрлар исломдаги бир оқим билан иккинчи оқим ўртасидаги тортишув маҳсулидир.

Мутазиланинг яна бир ҳусусияти, унда, Қуръон ғайри маҳлуқ, яъни яратилмаган, азалдан бўлган ва тайёр ҳолда арши аълодан тушган, деган фикрни инкор қилишдир. Бу оқим тарафдорларининг фикрича, Қуръон яратилмаган дейиш, уни Оллоҳ билан бир даражага қўйишдир. Бу эса тавҳидга, яъни Оллоҳнинг бирлигини эътироф этишга зиддир. Суннийлик оқимидаги барча мазҳабларда эса, Қуръон ғайри маҳлуқ, яъни у азалий деган ғоя олға сурилган.

Мутазила тарафдорларининг асосий ғояларидан яна бири сиёсий характерга эга бўлиб, ўша даврдаги халифаларга қарши қаратилган. Бу ғояга кўра, халифалик авлоддан авлодга ўтиши мумкин эмас, халифалар сайланиши керак.

IX аср бошларида суннийлик мазҳаби вакиллари билан мутазила тарафдорлари ўртасидаги тортишувлар кескин тус олиб кетди. Диний уламолар баҳсига халифа ал-Маъмун ҳам қўшилиб, аҳвол янада чигаллашди. Мутазила халифалар ворислигига қарши қаратилган бўлишига қарамай, ал-Маъмун унинг тарафини олди ва суннийларга сездирмай бу оқимни кенгроқ тарқатишга ўн йил (822-833 йиллар) давомида ҳаракат қилди. 827 йилда у Қуръон азалий эмас, у битилган, деб очиқ эълон қилди. 833 йилда эса у мусулмон уламолари ўртасида меҳна-очиқ синов ўтказди. Бу синов-тортишувнинг асосий масаласи Қуръон яратилганми ёки азалийми, деган савол бўлди. Меҳна халифанинг биринчи номаси билан бошланди. Бу нома Мисрга, Дамашққа, Куфага, Бағдодга юборилиб, унда меҳнанинг мақсадлари баён қилинган ва уни ўтказиш учун таниқли қозилар, уламолар ва фақҳларни юбориш буюрилган эди.

Халифанинг Ироқдаги ноиби Исҳоқ ибн Иброҳим ўз саройига 20 уламони тўпларди. Улар орасида Аҳмад ибн Ханбал ҳам бор эди. Меҳна уч ҳафта давом этди. Меҳнада ҳозир бўлган уламолар бирин-кетин ўз фикридан қайтиб, Қуръоннинг яратилганини тан олишди. Охири тан олмаган тўрт киши қолди. Булар — Сажжод, ибн Ханбал, ал-Каворири ва Муҳаммад ибн Нуҳ ал-Мадруб эдилар. Уларни зиндонга ташладилар. Икки кундан кейин ал-Каворири ва Сажжод фикрларидан қайтдилар. Ибн Ханбал билан ибн Нуҳни халифа қароргоҳига — Тарсусга юбордилар. Худди мана шу пайтдан бошлаб барча Бағдод мусулмонларининг эътибори ибн Ханбалга қаратилди. Ибн Ханбалнинг ўз фикрида қанчалик мустаҳкам турганини йўлда юз берган воқеа кўрсатади. Савдогарлардан Абу Жаъфар ал-Анбари йўлда халифа ҳузурига олиб кетилаётган ибн Ханбал ва ибн Нуҳни учратади. Абу Жаъфарни кўрган ибн Ханбал, жуда чарчадим, тинкам қуриди, дейди. Бунга жавобан Абу Жаъфар, бу ишда чарчаш йўқ. Ҳамманинг кўзи сенга қадалган. Агар сен Қуръон азалий эмас, деб тан олсанг биз ҳам тан оламиз, дейди. Ибн Ханбал эса, иншоолло, деб жавоб қилади.

Бу сафарнинг якуни нима билан тугашига Бағдодда жуда қизиқиш кучли эди. Ҳамма унинг якунини зўр эътибор билан кутиб турарди. Сафар кутилмаган воқеа туфайли узилиб қолди. Халифа ал-Маъмун тўсатдан вафот этди. Ибн Ханбал билан Ибн Нуҳни ар-Ракка, ундан Анат шаҳрига юборишади. Анатда кекса ибн Нуҳ вафот этади. Ибн Ханбални Бағдодга олиб келиб бир йил зиндонда сақлашади.

834 йилда ибн Ханбални нойибнинг уйига олиб ўтишади ва турли йўллар билан уни ўз фикридан воз кечтирмоқчи бўлишади. Лекин ибн Ханбал фикридан қайтмайди. Охири янги халифа ал-Мутасим нома юборади. Бу номада у «ибн Ханбални қатл эттирмайман, лекин ҳаммага мазаҳ, томоша қилдириб кейин тошдан қилинган қопга қамаб қўяман», дейди. Ибн Ханбални халифа саройига олиб келишади. Икки кун давомида ал-Мутасим шахсан ўзи ва қозийи калон ибн Абу Дуод уни фикридан қайтармоқчи бўлишади. Лекин ибн Ханбал қайтмайди. Учинчи куни қийнай бошлайдилар. Сарой олдида жуда кўп оломон тўпланади. Оломондан қўрқиб кетган ал-Мутасим ибн Ханбалнинг амакисини халқни тинчлантириш учун чиқаради. Агар шу одам чиқмаганда оломон саройни куч билан забт этиши мумкин эди. Қўрқиб кетган халифа беҳуш ибн Ханбални уйига олиб бориб қўйишини буюради.

Меҳнада иштирок этиш ибн Ханбал ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Аввал у таниқли уламолардан бири эди холос. Халифа ҳузурига юборилган биринчи гуруҳ уламолар қаторига уни қўйишмаган ҳам эди. У фақат анчагина кўп кишидан иборат иккинчи гуруҳга қўшилди холос. Бу гуруҳдаги уламоларнинг кўпчилиги халифага қарши бора олмай ўз фикридан қайтгач, ибн Ханбалга омма эътибори кучайиб кетди. У ҳам синовлардан ўтиб халифага қарши борди ва эътиқод учун азобуқубатлардан қайтмади. Бу унинг халқ орасидаги обрўсини жуда ошириб юборди.

Халифа ал-Восиқ даврида ҳам ибн Ханбални синаш давом этди. Лекин унинг халқ орасидаги обрўси шунчалик баланд эдики, тахтга халифа ал-Мутаваккил ўтириб энди мутазила вакиллари таъқиб қилина бошлангач, ибн Ханбал динни сақлаб қолган шахс сифатида чориёрлардан Абу Бакр Сиддиқ билан тенглаштирила бошланди. Шу даврдан бошлаб у Бағдоддаги суннийларнинг энг обрўли уламоси бўлиб қолди.

Ибн Ханбал таълимотининг бошқа сунний мазҳабларидан фарқ қилувчи бир неча хусусиятлари бор. Шулардан бири мусулмон жамоаси билан ҳокимият раҳбари ўртасидаги муносабатдир. Бошқа сунний мазҳабларда подшо ёки халифа Оллоҳнинг ердаги соясидир, дейилса, ханбалий мазҳабда ҳукумдорга итоат қилиш кераклиги, лекин у адолатсизликка йўл қўйса, унга ҳақиқатни айтиш талаб қилинади. Бу иш ҳатто жиҳод билан тенглаштирилади. Адолатсиз халифаларга бўйсунмаслик намунасини ибн Ханбал ўз шахсий ҳаётида кўрсатди.

Ханбалий мазҳабининг бошқа ислом таълимотларидан кескин фарқ қилувчи ва ваҳҳобийлик таълимоти негизини ташкил қилган ақидаларидан бири «бидо»га, яъни янгиликка муносабатдир. Бидъат («бидо»нинг кўплик формаси) сўзи ҳозирги ўзбек тилида эскилик, сарқит маъносини англатади. Аслида, араб тилида бу сўз янгиликлар маъносини англатиб, Қуръонда ва Суннада кўрсатилмаган ишларга нисбатан қўлланган. Ибн Ханбал таълимотига кўра, бидъат йўлдан адашишнинг бошланиши бўлиб, охири пайғамбарни инкор қилишга олиб келади. «Муснад»да баён қилинган фикрларга кўра бидо, яъни янгиликларнинг яхши ва ёмони бўлмайди, уларнинг барчаси Қуръон ва Суннага хилофдир.

Ибн Ханбал таълимотининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири Оллоҳга, Қуръонга ва Суннага сўзсиз итоат қилиш, нима учун, нега деган саволларни бермаслик. Бундай саволлар бериш уларга ширк келтириш билан баробар. Бу таълимотга кўра, диннинг арконлари тўғрисида баҳслашиш, Қуръон яратилган дейиш, намозга ўзгаришлар киритиш гу-

1 2 3 4

Диққат: XX аср вабоси

СИБИРГА СПИД ХУРУЖ ҚИЛМОҚДА

— Майли, мени беш йилга «ўтқазишсин», лекин сизнинг касалларингизни қабул қилмайман, қайта сўраманг ҳам, инсонийлик ҳақида оғиз ҳам очманг, — телефон трубкасидан эркак кишининг жаҳл билан шанғиллаган овози эшитиларди. — Ўзимнинг касалларим тўлиб-тошиб ётибди. Биринчи навбатда ана шулар ҳақида қайғуришим керак, шуларга одамгарчилик кўрсатишим зарур. Сизнинг мижозларингизга эмас. Бўпти, гап тамом. Истаган жойингизга арз қилинг, хайр.

Тюмень вилоят иммунология клиник марказининг поликлиника бўлими мудири Наталья Владимировна Холодковская телефон гўшагини секингина илиб қўйди. Унинг ҳамкасблари билан бу масалада келишиб ишлаши оғирлигини ҳис қилиш қийин эмасди.

Тюмень вилояти бугунга келиб Сибирда ВИЧ билан оғриган беморлар кўрсаткичи бўйича (афсуски!) энг юқори ўринда турибди. Россиядаги энг кўп СПИД билан хасталанган одамлар қатламиям айнан шу ҳудуддадир. Даҳшатли томони шундаки, ҳозир бу ерда икки юзлаб шундай бемор қайд этилган. Ҳафта сайин улар сони шиддат билан кўтариляпти.

Дастлабки кезларда уларнинг 60 фоизи жинсий алоқа туфайли ВИЧга йўлиққан бўлса, бугунги касалларнинг бари гиёҳвандлар. Тиббиёт ходимларининг оммавий тарзда ВИЧга йўлиқмасликнинг энг асосий йўли нотўғри, тасодифий жинсий алоқадан ўзни тийиш эканлигини зўр бериб ташвиқ қилишлари ижобий натижа берган кўринади. Энди бўлса яна бошқа муаммо кўндаланг турибди: гиёҳвандлик! Аксарият касаллар ёшлар, энг каттасининг ёши нари борса — 30 ёш.

Ҳақиқатан, фактлар даҳшатли. «Мижоз» — касаллар асосан кечаги мактаб партасидаги ёшлар. Уларнинг кўпчилиги вилоятнинг шимолий ҳудудидан яъни нефтчилар, газчиларнинг фарзандлари. Буни таъкидлашимизнинг боиси, уларнинг ойлик маошлари Катта Ердагиларникидан анча баланд, ҳамёнлари қаппайган. Айнан шу «қаппайган» ҳамёндан фойдаланган болалар тўқликка шўхлик қилишга мукка тушишган. Чунки ота-оналар «ҳамёнимиз кўтаргач» қабилида иш тутиб, фарзандларининг ортиқча ҳою-ҳавасларига монелик кўрсатишмаяпти.

Чўнтакда жарақ-жарақ пул, «мутлақо эркин» бўлган қайси ёш бориб фойдали меҳнат билан машғул бўлади, бирор касб бошини тутишни, яқинлари ёки жамият олдидаги бурчни ўйлайди. Шундай такасалтанглар тўдаси бекорчиликдан нашавандлик, гиёҳвандлик йўлига кириб кетяпти. Манзиллари даҳшатли СПИД билан хотима топяпти.

Наркобизнесчиларга эса айнан шу керак. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандларини, балоғат бўсағасидаги ёш-яланглар-ни зўр бериб «ўз тўрига» илинтиришяпти. Болаларнинг эътироф этишича, ойига ўртача наркотик моддаларга 5-6 минг рубль сарфлашга мажбур бўлишяпти. Мушоҳада қилиб кўрайлик, уларнинг ҳаммасининг ана шу зайлда узоқ муддат турмуш тарзини давом эттириш учун «ҳамёни» кўтарармикан?

Ҳадемай бугунги «тўқ» ёшлар эртага пул тополмай сўнгги йўл — руҳий касалликдан ғужанак бўлиб, «наркотик» етишмасликдан «узилиш»масмикин?

Яна бир муаммо — СПИД ва гиёҳвандлик бир-бирига боғлиқдир. Тиббий мутахассисларнинг тасдиқлашича, гиёҳвандликка муккасидан кетганларнинг ҳаммаси охир-оқибатда руҳий хасталикка чалинадилар. Бундай беморлар турли хил йўллар билан шу аҳволга тушган бўлса-да, воқеанинг туб илдизи битта — иродасизлик, ахлоқан ўз-ўзини бошқара олмаслик оқибатидир.

Раҳбарларимиз бизнинг «қашшоқ тиббиёт»га сал бўлсада, мурувват кўрсатишга қарор қилди. ВИЧ билан оғриган беморларга тиббий хизмат кўрсатувчиларнинг ойлик маошлари 80 фоизга оширилди.

— Ҳа, маош-ку бор, лекин ўз ишига иштиёқ-чи? Қизиқиш йўқ? — Жиғи-бийрони ошади Наталья Холодковскаянинг. — Бунинг сабаби бизнинг жисмонан ҳолдан тойишимиз эмас, руҳий толиқиш!

Сиз ўйлайсизки, кўз ўнгимизда аста-секин ёш йигит-қизларнинг жон таслим қилиб, журмарг бўлаётганига ҳеч иложсиз томошабин бўлиб туриш осонми?! Ўйлаб кўринг, бошқа клиник диспансерларда, айтайлик, онкология ёки сил касалликлари диспансерларида ҳар ўнтасидан бирининг ҳаёт суви қуриб бораётган, тирик қолишга умид йўқ беморлар бўлса, бизникиларнинг мутлоқ ҳаммасидан умид йўқ-да! Касаллик бўлса борган сари шиддатли тус оляпти. Ҳозир мен бу ердаги беш юзлаб беморлар ҳақида қайғуряпман. Энди бир тасаввур этиб кўринг-а, яқин келажакда инсониятни қандай ҳалокат кутяпти?! Агар Россиянинг ўзида шу кунгача СПИД билан оғриган беморлар сонини ўн бараварга кўпайтирсангиз, шундай даҳшатли, лекин ҳақиқий манзара кўз олдингизда намоён бўладики, фожиа!

Яқинда Тюменда яна бир фожиали воқеа юз берди. СПИД билан оғриган иккинчи онадан гўдак туғилди. Иккинчи очилмай сўнаётган ғунча, ўлимга маҳкум норасида дунёга келди. Ҳозирча шифокорлар чақалоқнинг қисмати ҳақида аниқ бир фикрга келишолгани йўқ, аниқ ташхис ҳам қўйишолмаяпти. Гўдакнинг қанча яшаш-яшамаслиги у уч ёшгача етолса, аён бўлади. Мурғаккина жоннинг омон қолиши фақат ғойибдан келажак мўъжизагагина боғлиқ.

Куни кеча менга, ҳатто бундан ачинарли воқеани ҳам айтиб беришди. Беш марта судланган, 15 йилга озодликдан маҳрум этилган, 30 яшарлик жиноятчини СПИД билан касаллангани учун суд залидан тўппа-тўғри «озодликка» чиқариб юборишган. Шимолий шаҳарлардан бирида яшовчи врач эса яқиндагина ўз иш тажрибасидан бундан ҳам ташвишланарли воқеа хусусида гапириб қолди. Кенг қўламда товламачилик билан шуғулланган шахснинг яқин кунларда суд иши кўрилиши керак эди. Суд олдидан тергов изоляторидаги маҳбусдан текшириш учун қон олинганди. Қон текшириш натижаси фақат доктор ва «касаллик ташувчи» аёлгагина аён, қолганларга сирлигича қолди. Маълум бўлишича, милиция ходимлари маҳбуснинг ёнига қоқ тунда дилбар хотиннинг бемалол киришига рухсат этишганди. Албатта, хотин навбатчи милиция ходимларига ҳар тунда бундай «хизмат» эвазига танфурушлик қиларди. Бахтли тасодиф туфайлигина «XX аср вабоси» ўз маҳбусининг хотини билан жинсий алоқада бўлган шаҳар ички ишлар бўлими ходимларини «миналаб» кетди, холос

Вилоят соғлиқни сақлаш департаменти ва ижтимоий сиёсатнинг аҳволи билан қизиқанимда , ҳар бир юқумли касаликка чалинган бемор учун йиллига давлат бюджетидан 20 минг доллар сарфланишининг шоҳиди бўлдим. Бу пулни рублга чақадиган бўлсак, 120 минг рубль миқдорида бўлади. Тюмень вилояти бўйича қайд этилган 170 нафардан зиёд касал-мижоз учун 20 миллион рублдан ортиқ маблағ ажратилган.

Катта маблағ. Бу вилоятдаги 250 ўринга мўлжалланган онкология диспансери учун ажратилган йиллик харажатга тенгдир. (Лекин бу пул онкодиспансер учун ҳозирча ажратилган сумма эмас, балки қараб чиқилганидир). Ваҳоланки, бу клиникада ҳар йили минглаб рак билан оғриган беморлар даволанади. Ҳар йили маблағ йўқлигидан шифохонада оғриқ қолдирувчи препаратлар етишмаслиги, озиқ-овқатда узилишлар бўлишига қарши кескин норозиликлар бўлиб ўтади

... Иммунология маркази йўлагида бир неча кундан буён ёшгина аёл юм-юм йиғлаб, қайта-қайта бош шифокор ҳузурида бош уриб ўтинади. Нима қилиб бўлса ҳам СПИДга чалинган якка-ю ёлғиз ўғлининг ҳаётини сақлаб қолишни ёлвориб сўрайди.

Хаста ўғил оиланинг ғурури эди, ота-онаси кўзининг оқу қораси, умиди эди. Улар фарзандларидан ҳеч нарсани аяшмади. Ота-она — комсомоллар Сибирга нефть конларида ишлаш учун келишганди. Узоқ йиллар вагон уйларда яшашди, ёғоч қипиқ билан иситилган хоналарда турмуш тарзи давом этди ва ниҳоят одамга ўхшаб уйлик бўлишди. Мўмайгина маблағ йиғишга, емай-ичмай орттиришга уринишди. Улар ўзлари кўролмаган ўша «бахтли келажак», «ёрқин ҳаёт»ни ўғиллари кўришини жуда-жуда исташганди. Ўғилнинг замонавий услубдаги европалашган университетда таҳсил олиши учун анчагина доллар жамғаришди. Олий ўқув юртига ҳужжат топшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш комиссияси йигитчанинг СПИД билан оғриганини аниқлашди. Ҳаммаси тамом!

Ҳаётда кимнинг бошига шундай мусибат тушса, сабр қаноатли бўлишга, инсонийликка ундаймиз. Лекин бу сабр-қаноатлиликни мусибат тушишидан олдин бир-биримизга тиласак-чи?

Бу ерда қанчадан-қанча одамлар бор, уларниинг нуқтаи-назарлари, қарашлари бор. Уларнинг ҳар бири ўз қарашининг ҳаққонийлигигагина ишонади.

Леонид ИВАНОВ.
Тюмень.
(«Труд» газетасидан олиниб, айрим қисқартиришлар билан босилди).

Муносабат

ТАРИХ ОГОҲЛАНТИРАДИ

ноҳий кабиралар ҳисобланади.

«Муснад» китобида таъкидлашича, эътиқод фақат сўз ва амал бирлиги билан таъминланганидагина ҳақиқий бўлади. Бошқа бир қатор мазҳаб ва оқимларда, киши Оллоҳга имон келтирса, мусулмон қаторига ўтади, дейилса, ханбалий мазҳаби мусулмонлардан эътиқодни амалда тасдиқлашни талаб қилади. Бундан ташқари, масалан, Абу Ҳанифа мазҳабида мавжуд бўлган истислоҳ ҳодисаси, яъни ақидаларга ўзгаришлар киритиш мумкинлигини эътироф этиш ханбалий мазҳабида мутлақо инкор қилинади. Худди шу ҳолат кейинчалик ваҳҳобийликнинг айнан шу мазҳаб қўйнида пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

Ваҳҳобийлик ҳаракати ханбалий мазҳаб доирасидан келиб чикди ва ривожланди.

Ислом динидаги асосий принциплардан бири бўлган тавҳид, яъни якка Худоликни Абд ул-Ваҳҳоб ўз таълимотига негиз қилиб олди. Ўша давр Арабистондаги иқтисодий қийинчиликлар, сиёсий ихтилофларнинг асосий сабаби қилиб Абд ул-Ваҳҳоб мусулмонларнинг бидъатга берилиб, муқаддас жой ва қадамжоларга, азиз-авлиёларга сиғинаётганлигида, яъни тавҳиддан четга чиққанлигида, деб тушунтирди. Унинг фикрича, азиз-авлиёларга эмас, Оллоҳнинг ўзига сиғиниш керак, ҳеч ким Оллоҳ билан унинг бандаси ўртасида воситачи бўла олмайди. Шу фикрни ривожлантириб, Абд ул-Ваҳҳоб Муҳаммад пайғамбарга қаратилган дуо ва ибодатлар ҳам бефойда, деди. Чунки, унинг айтишича, Муҳаммад пайғамбар фақатгина охират кунида Оллоҳдан бандаларининг гуноҳини кечиришни сўраши мумкин экан. Дастлабки ваҳҳобийлик ана шу фикрдан келиб чиқиб, Муҳаммад пайғамбар қабрига, Мадинага, Карбало ва Нажафга зиёрат учун бориш бидъат, деб эълон қилди. Ваҳҳобийлар суннат намозини ҳам ўқимайдилар.

Азиз-авлиёлар қабрига сиғиниш, ваҳҳобийлар фикрича, энг оғир гуноҳ бўлган. Оллоҳга ширк келтириш, кўп худолиқни тан олиш билан баробардир. Шунинг учун ваҳҳобийлар ўзларини фақатгина якка Оллоҳни тан олувчилар — мувоҳҳидунлар, деб аташади. Ваҳҳобий деган номни эса уларга дастлабки душманлари берганлар.

Ваҳҳобийлар тамаки чекиш, ипак кийимлар кийиш ва тасбеҳдан фойдаланишни ман қиладилар. Чунки бу нарсалар ислом янги пайдо бўлганда йўқ бўлиб, кейин топилган янгилик-бидъат, деб талқин қилинади.

Ваҳҳобийлар ижмони — шариатдаги асосий усуллардан бирини ҳам инкор қилишади. Ижмо — мусулмон жамоасининг якдиллик билан чиқарган фикри, ҳукми асосида иш кўрилишидир.

1779 йилда Абд ул-Ваҳҳоб Нажд вилоятидаги ал-Дарийя шаҳри ҳокими Муҳаммад ибн Сауд билан шартнома тузади. Бу шартномага кўра, уларнинг бири қилич, иккинчиси ваъз-маъруза ёрдамида янги тарафдорларини тўплай бошлади. Қариндошлик иплари боғлангач, яъни Ибн Сауд Абд ул-Ваҳҳобнинг қизига уйлангач, бу иттифоқ яна ҳам мустаҳкамланади. Ваҳҳобийлар ташкилий жиҳатдан жуда уюшган бўлганлари учун бошқа мазҳаблар устидан ҳам ҳарбий, ҳам мафкуравий ғалаба қозона бошладилар.

Муҳаммад ибн Сауднинг ўғли Абдулазиз ва унинг ўғли Сауд даврида ваҳҳобийлар давлати айниқса, кенгайиб кетди. 1801 йилда ваҳҳобийлар шиаларнинг муқаддас жойи Карбалога юриш қиладилар ва уни эгаллаб, Халифа Алининг ўғли имом Ҳусайн мақбарасини бузиб ташлайдилар. Улар Карбалода беш минг мусулмонни ўлдирдилар ва икки юз туяга ортилган бой ўлжалар билан қайтадилар. 1803 йилда ваҳҳобийлар Маккани забт этадилар. 1804 йилда эса Мадинани эгаллайдилар. Маккада улар муқаддас тошҳажар ул-Асвадни шикастлайдилар, Муҳаммад пайғамбар, Биби Ҳадича, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн ҳамда пайғамбарнинг амакиси Абу Толиблар туғилган жойларга қурилган мақбараларнинг барчасини бузиб пачоқлайдилар. Мадинада эса пайғамбар қабри устига ўрнатилган мақбарани ҳам ер билан яксон қиладилар.

XX асрнинг 20-йилларида ваҳҳобийлар Ҳижозни ва Араб ярим оролининг катта қисмини яна қўлга киритдилар. 1932 йилда эса Саудийлар Саудия Арабистонига ҳукмрон бўладилар.

Ваҳҳобийлар ҳаракати Араб ярим оролидан ташқари баъзи жойларда ҳам тарқала бошлади. Масалан, ўтган асрнинг бошларида бу ҳаракат Ҳиндистонга кириб келди.

Ваҳҳобийлар таълимотига кўра, мусулмонлар дар ул-ҳарбда, яъни ғайридинлар ҳукмрон бўлган мамлакатда тинч яшашлари мумкин эмас. Бундай мамлакатларда улар жиҳод қилишлари керак. Ваҳҳобийларнинг бундай ғояси бошқа мазҳабдаги мусулмонларга ҳам маъқул бўлиб, улар ҳам бу ҳаракатни қўллаган эдилар. Инглизлар томонидан сотиб олинган ваҳҳобий уламолар энди инглизларга қарши олиб борилаётган жиҳод ноўрин, деб исботлаш учун фатво излай бошладилар. Шу мақсадда улар Маккадаги ва Карбалодаги уламоларга, инглизларга қарши жиҳод ўринлими, ўринсизми? — деган савол билан мурожаат қилдилар. Бу даврда Макка ва Карбалода ҳам таниқли мусулмон уламолари инглизлар таъсирига тушиб қолган эдилар. Иккала шаҳардан ҳам инглизларга қарши жиҳод ноўрин, деган фатво чиқардилар. Бу фатвони асослаш учун улар турли хил ҳийла-найранглар ишлатдилар. Бу фатвода Ҳиндистон дар ул-ҳарб эмас, дар ул-ислом деб эълон қилинди. Дар ул-исломда эса жиҳодга ўрин йўқ.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий тадқиқотлар бўлими мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 22

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Санъат институти ҳаётидан лавҳалар».
9.30 Ўсмирлар учун. «Оқ йўл!».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Диёр». Тележурнал.
11.05 «Жаҳон спорти».
11.15 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.30 Кундузги сеанс. «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро» (Бухоро) — «Пахтакор» (Тошкент).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол ғунчалари». Премьера.
18.20 «Солиқ ва назорат».
18.40 «Суйганларим бор». Мусиқий дастур.
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 15-кўй.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жаҳон урушларининг маҳфий архивларидан». Телесериал.
19.00 «Ҳимоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
21.55 15 дақиқа спорт ҳақида.
22.10 «Дэнс». Жаҳон рақслари.
22.25 «Даракчи»(рус тилида).
22.35 «Мурда». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—20.40
*
20.40 «Сиз уларни танийсиз».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ўткир тишлилар». Бадиий фильм.
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Жаҳон».
20.55, 22.05 — Эълонлар.
21.00 «Морена Клара». Телесериаал.
21.45 «Умр баҳори».
22.10 Кинесаматограф. «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
23.40 Спорт-тайм.
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 23

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қалбим наволари». Мусиқий дастур.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 Болалар учун. «Бешбармоқ».
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ислоҳот ва масъулият».
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Математика.
*
12.05 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 Кундузги сеанс. «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм.
13.40 — 14.00 «Соз сеҳри».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Дардингизни олай...».
18.45 «Муҳаббатимни куйлайман». Мусиқий дастур.
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таянч нуқтаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мунажат». Фильм-концерт.
21.40 «Акс-садо».
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15 «Саҳна ҳаёти».
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.25 Еввойи ҳайвонот олами.
19.10 «Тошкентнома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Очун».
20.15 «Исмлар тарихи».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 Спорт қитъаси.
22.35 «Куплдалик».
22.45 «Мурда». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
* * *
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!.

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.40
*
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Попхт». Публицистик кўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.35
*
22.35 «КИМ». Бадиий фильм. 1-серия.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Мультгомоша».
18.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.50 Мусиқий дақиқалар.
20.55, 22.10 — Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат тарихи».Телесериал.
21.45 «Моҳир».
22.00 Телефакт.
22.15 «Қувноқ кино».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 24

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Оиламиз оҳанглари». Мусиқий дастур.
8.50 «Бокира туйғулар».
9.05 «Меҳр макони».
9.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
9.40 «Мен туғилган тупроқ».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Биология.
11.00 «Бола дунёни тебратар».
11.20 «Ёрдамчилар». Мультфильм.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
*
12.05 «Рақс, рақс, рақс...».
12.20 «Акс-садо».
12.50 Кундузги сеанс. «Фил йўқолди». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Зийнат».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Ўтмишдан садолар».
18.50 Эстрада тароналари.
19.10 «Мулк ва муносабат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». «Ёпплар» телеканали
21.20 1. «Учинчи эҳтимол».
2. «Қалдирғоч». Мусиқий дастур.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 16-кўй.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойчс Веллс» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Хонадон».
20.15 «Жаҳон жанговар санъати».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
21.45 «Нигоҳ».
22.05 «Даракчи».
22.15 Экранда-детектив. «Инспектор Морс».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
* * *
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чепионати. Танаффус пайтида «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.30 Янгиликлар.
16.35 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Киноқўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.15—20.40
*
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.50 «Даврнинг узилмас ришталари». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.35
*
22.35 «КИМ». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 «Ёпплар хиром айлаганда». Фильм-концерт.
00.20—00.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Спорт-лотто».
20.45 «Азизим».
21.05, 22.55 — Эълонлар.
21.10 «Морена Клара». Телесериал.
21.55 «Таъзим».
22.15 «Мсзон».
22.35 «Дурдаршан»...—
23.00 «Яхши кайфият».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 25

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилрабо тароналар».
9.05 «Геракл Агмеднинг меҳмони». Мультфильм.
9.25 «Камолот».
9.40 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён». Тележурнал.
10.35 Абитуриентлар, Сизлар учун! Она тили.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Физика.
*
12.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
12.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.55 Кундузги сеанс. «Егорка». Бадиий фильм.
14.10 — 14.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Орзу».
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.55 Мусиқий танаффус.
19.05 «Ислоҳот одимлари».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Барҳаёт сиймолар». Ғанижон Тошматов.
21.30 «Сомон йўли».
22.00 «Битик».
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15 «Вазнят».
00.30 «Сомон йўли» (давоми).
01.00 — 01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одамлар орасида».
21.20 «Мутойиба».
21.40 «Сир».
22.00 «Даракчи»(рус тилида).
22.10 Оилавий экран. «Тоҳир ва Зуҳра».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги. 02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.40
*
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мусиқа бўстони». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.35
*
22.35 «Қақшатқич зарба». Бадиий фильм.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «02» тўлқинида.
20.50 «Минг бир маслаҳат».
21.05, 22.20 — Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.55 «Дарвоқе». Юмористик кўрсатув.
22.25 «Киносалон».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 26

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Лирик тароналар.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
9.30 «Нонни босган қизча ҳақида». Мультфильм.
9.40 «Маърифат маскани».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Эртанги кунга ишонч».
12.05 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
12.25 Кундузги сеанс. «Тасодифий қотил». Бадиий фильм.
13.45 Сиртқи телевизион олимпиада.
14.10 — 14.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
*
«Гиёҳвандлик — аср вабоси» Телекўрсатувлар дастури соат 17.00 дан намойиш этилади.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бутуннинг боласи».
18.45 «Ҳайр, мактаб!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Акс».
20.15 «Яхши дам олинг».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хуш келибсиз!»
21.20 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Мусиқий лаҳзалар».
22.30 Бокс. Бокс. Бокс.
22.50 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Винафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.40
*
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
21.45 «Таваллуднома».
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.35
*
22.35 Эълонлар.
22.40 Оскар совриндорлари: «Жазабель» (1938 йил). Бадиий фильм.
00.30—00.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Бу бўстон аро».
20.55, 22.15 — Эълонлар.
21.00 «Морена Клара». Телесериал.
21.45 «Уй остонадан бошланади».
22.20 Кинесаматограф. «Имконият».
23.35 «Дурдаршан».
23.55—00.05 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 27

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
9.20 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
10.00 «Зиёрат».
10.10 «Ёпплар» телеканали. «Сиз ва биз».
2. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
3. «Куйла, ёшлигим».
* * *
11.20 «Телевидение ва томошабин».
12.20 «Келин-қуёв». Телешоу.
13.20 «Туркий қавмлар».
13.35 «Сағнатим — саодатим». Киноқўрсатув.
14.05 — 14.35 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, ҳаҳотма.
18.20 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(р

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 20 iyun, shanba № 73 (22.310).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Шифокор илҳоми

ИЛТИЖО

Висол ошиқлар учун нақадар ширин,
Ишқ майидин саҳару шом сипқормаган ким?!
Ташламаса ёрим бир бора кўз қирин,
Карбалонинг даштларида мажнун бўлгум.
Яратгандан сўрайман сабру қаноат,
Сабр таги олтин дерку боболарим.
Фироқингда тобланди қалбда садоқат,
Сен томонга эсар кўнглим, саболарим.
Умидим бор, бир кун хосликдин илгари
Етказгайдир сабо ёрим висолига.
Гул ишқида куйлаган булбул сингари,
Куй бағишлай то абад ёр иқболига.

СЕНСИЗ ТАТИМАС БУ ДУНЁ РОҲАТИ

Кўнглим сенсиз мудом қоронғу тундай,
Ёришмагай минг чироқ ёққан билан.
Қуёшдай чароғон нур сочган кундай,
Фақат сен этурсан, кўнглимни алвон.
Сенсиз татимайди дунё роҳати,
Лолазорлар сенсиз рангсиз, юпундир.
Бир лаҳза кўрмасам, тугаб тоқатим,
Юрагим азобда, қалбим маҳзундир.
Сочинг кўнгироғи эрур шаршара,
Бўйнима сол уни кел, эй дилдора.
Узма ёрим лабдин лабингни зинҳор,
Чиқмасун десанг жон, бу тандин сира.

ГЎЗАЛ

Ҳусни латофатингга келолмай бас,
Тоғ ортидан мўралар ой уялиб.
Чиройингга қуёш қилибми ҳавас,
Кўкдан боқар булутларга суяниб.
Яратганда сени она-табиат
Аямабдур латофатни, зиёни.
Худойимга қилай илтижо бот-бот —
Сўраб сенга бахтдан битмас дунёни.
Жамолингга тўймай сира Абдулло,
Шеърин битди, қабул айлагин, дилбар.
Юрагимни ўртаётир бир нидо,
Бир нидоким фақат, васлингни истар.

Абдулла ШОНОСИР.

ХАЁЛ ҚОЧДИ УЗОҚЛАРГА...

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ТАҚЛИД ҚИЛИШНИ ЁҚТИРМАЙДИ

Санъат олами

Ҳаёт қизиқ. Бир хонанда умр бўйи қўшиқ куйлаб ўтади. Лекин ижодини сарҳисоб қилиб кўрса, элга манзур ва машҳур бўлган биронта ҳам қўшиқ топилмайди.

Бошқа бири илк бор айтган қўшиғи билан тез тилга тушади, мухлислар қалбини забт этади. Ва умр бўйи ана шу қўшиғи даражасида қолиб кетади. Учинчи тоифа хонандалар эса илк чиқишлариданоқ халқ меҳрини қозонади. Бу меҳр хонанда ҳар гал қўшиқ айтганида янада қўр олади, янада ошади. Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров, Таваккал Қодиров каби устоз хонандалар умрбод эл назаридан тушмай келишди. Уларнинг ҳар бир янги қўшиғини мухлислар орзиқиб, интиқлик билан кутишган. Ҳозир ҳам улуғ устозлар изидан бориб, халқимизнинг юрагидан жой олган хонандаларимиз кўпчиликни ташкил қилади.

Истеъдодли ёш хонанда, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Дуторчилар ансамбли аъзоси Шаҳноза Исмоилова ҳам илк қўшиқлари билан мухлислар эътиборини қозонди. Ва бу эътибор 10 йилдан буён кучайса кучайдики, сусайгани йўқ.

Шаҳноза Тошкентда шифокорлар оиласида дунёга келди. У санъатга болалигиданоқ ихлос қўйди. Буни сезган ота қизига пионина, дутор, аккардион каби чолғу асбобларини олиб берди. Шаҳноза мактабда ўқиб юрган чоғларида хонанда Санобар Раҳмонованинг «Тоғларга боқ» қўшиғини доимо хиргойи қилиб юрар ва мактаб саҳнасида ҳам бир неча бор ижро этган эди. Шаҳноза Ўзбекистон телевидениеси қошидаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шермат Ёрматов бошчилик қилаётган «Булбулча» болалар хорига қатнаша бошлади. Бу унинг санъат остонасига илк қадами эди. Шаҳноза хорда қўшиқ айтишнинг бошланғич сирларини ўрганди. Мактабни тугаллаш арафасида ота-онаси Шаҳнозадан қайси касбни танлашини сўрашди. У иккиланмай санъаткор бўлмоқчи эканлигини айтди. Ота-онаси дастлаб унча рўйхушлик беришмади. Лекин қизларидаги ишонч ва қатъиятни кўришгач рози бўлишди. 1985 йили Маннон Уйғур номидаги санъат институтига ҳужжатларини топширди. Омади бор экан, ўқишга қабул қилинди. Беш йил давомида мусиқа драмаси бўйича устозлари Баҳодир Назаров, Шерзод Пирматов ва Темир Маҳмудовлардан сабоқ олди. Учинчи курслигида Темир Маҳмудов тавсияси билан Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов раҳбарлик қилаётган Дуторчи қизлар (ҳозирги Дуторчилар) ансамблига ишга кирди. 1991 йили эса Шаҳноза ҳаётида яна бир унутилмас, қувончли воқеа юз берди. У республика Мақомчилар кўрик-танловида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Шаҳноза кутилмаган бахтдан эсанкираб қолмади, ҳаволаниб кетмади. Аксинча, бирин-кетин «Мен сизни суюбман», «Ёр эшигинда», «Менда гапи бормикан», «Дили ғамкаш» каби қўшиқларни маромига етказиб ижро этди. Эришган муваффақиятининг бежиз эмаслигини амалда яна бир карра исботлади. Қўшиқлари Ўзбекистон радиоси фонатекасидан ҳам муносиб жой олди. Устози Ғанижон Тошматов Шаҳнозани композитор Қаҳрамон Комилов билан ҳамкорлик қилишга ундади. Натижада «Ҳуш келибсан, қалдирғоч», «Ишқ», «Наврўзим» каби ажойиб қўшиқлар дунё юзини кўрди.

Биз кўпинча бугунги ёш хонандаларимизнинг миллий санъатимиздан узоқлашиб бораётганидан ташвишланиб гапирамиз. Лекин шундай ёшларимиз ҳам борки, улар устозлар йўлидан оғишмай боришмоқда. Миллийлик уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Шаҳноза Исмоилова ҳам қарийб 10 йил давомида мақом ва миллий замонавий йўлда яратилган қўшиқларни севиб ижро этиб келади. Ундаги меҳр ва севги ёқимли овоз билан қўшилиб кишини мафтун этади, хонанда қўшиқларини қайта-қайта тинглашга ундайди.

Шаҳноза тақлид қилишни ёқтирмайди, санъатда ўз овозинг, ўз ўрнинг бўлишига не етсин, дейди у. Ҳозир хонанда ўз кучини эстрада жанрида ҳам синаб кўрмоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, хонанданинг интилишлари самарали бўлаяпти. Унинг бугунги кунда Ўзбекистон радиоси ва ойнаи жаҳон орқали таралаётган «Янги кун муборак», «Эй лола» каби қўшиқлари аллақачон ўз мухлисларини топиб олди.

Шаҳноза Исмоилова оилада севимли рафиқа, бир-биридан ширин икки фарзанднинг суюкли онаси. Турмуш ўртоғи Эркинжон ҳам санъат институтида таълим олган. Шу сабаб бўлса керак, Шаҳнозани яхши тушунади. Ижод қилишига қўлидан келганча кўмаклашади.

Шаҳнозадан келгусида қандай қўшиқлар айтмоқчисиз деб сўраганимда, у Ватан, она тўғрисида, одамларни яхшиликка чорловчи қўшиқлар айтишни истаётганини билдирди. Биз ҳам ўз навбатида бу эзгу истакнинг тез орада рўёбга чиқишида хонандага каттадан катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Туроб НИЁЗ

ЧИПОР ТЎПДА СЕҲР БОРГА ЎХШАЙДИ-КУ...

Ҳар бир ашаддий ишқибоз думалоқ матоҳни майдонга қўйиб, тепишни кашф этган «аллома»ни дилдан дуо қилади десак, ишонаверинг. Ахир, чипор тўпнинг сеҳри бўлмаса, мухлислар қизиқарли учрашувларни қаерда ва қачон бўлишига қарамай, ҳозиру нозир бўлиб турармидилар. Ўғини сўрасангиз шу кунларда авжга минаётган жаҳон чемпионати ўйинларини кўраман деб, ярим тун бўлишига қарамай, телевизорни «машъала» қилиб ўтириш ҳам чипор тўп сеҳридан эмасми? Беором кунларни тунларга улаётган мухлисларни тушуниш керак. Зўр ўйин бўлса ҳузур қилиб асаблари ором олар. Аксинча бўлса-чи? Ўзаро мулоқотни билиб қилмасангиз, ўзингиздан кўраверасизда...

Назаримизда мухлислик қилишда инглизларнинг олдига тушадигани йўғов. Уларнинг ашаддийлигининг намойиши ўзига хос анъанага айланиб қолмоқда. Европа кубоги ёки чемпионати дейсизми, инглизлар томошага ошиқсалар, ишнинг пачаваси чиқиши аниқ бўлиб қолди. Бўлмаса, Франция чемпионати ташкилотчилари бундай нохушликларнинг олдини олиш важидан барча юмушларни адо этиб қўйишганди. Қаёқда дейсиз, Англия — Тунис учрашувини кўргани оз эмас, кўп эмас — 12 минг инглиз ишқибози ташриф буюрибди. Тунисдан ҳам 2 минг нафар ишқибоз келганди. Яхшигина кайф-сафони қилиб олган инглизлар учрашув олдидан Тунис мухлисларига тегажоқлиқ қилиб жанжал кўтаришди. Миршабларнинг аралашуви кор қилмади. Дўконларнинг ойналари чил-чил бўлди. Пичоқдан жароҳат еганлар, шифохоналарга жўнатилганларнинг сон-саноғи бўлмади. Оқибатда ҳукуматлараро мулоқотлар юритишга тўғри келди. Инглиз мухлисларининг бундай қилиқларидан безор бўлган Англия ҳукумати уларга қилмишларига яраша жазо берилиши тарафдори эканини баён қилди. Мана, энди Англия жамоасини душанба куни Руминия футболчилари билан бўладиган учрашуви олдидан чемпионат ташкилотчилари яна юрак ҳовучлаб туришибди.

Зеро, асримизнинг сўнгги чемпионати дадил одимламоқда. Мухлислар «А» ва «В» гуруҳларида иккинчи тур саралаш ўйинлари бўлганидан бохабарлар. «С» гуруҳида бўлиб ўтган икки учрашув эса ажиб томошага айланди. Хусусан, ЖАР — Дания учрашувида бир йўла учта ўйинчининг майдондан четлатилиши ҳакамларнинг қатъиятидан нишонадир, балки. Бу ҳам бўлса, инглиз ишқибозларининг чиқарган тўпалонидан кейинги хуло-са бўлса, не ажаб. Чунки, чемпионат бошидан бери жами тўрт нафар ўйинчига қизил карточка кўрсатилганди, холос. ЖАР ўйинчиларидан Шон билан Альфред ҳамда даниялик Мортенларни ўйиндан четлатилишида катта хато учун жазолаш бўлди,дейиш қийинов. Шундай бўлса ҳам 13- минутда Аллан ҳисобни очиб, Дания жамоасини олдинга олиб чиқди. Танаффусдан кейин эса, африкалик Бенендикт ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

Мезбонлар — Франция футболчиларининг ҳар бир учрашуви кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Афтидан чемпионат соҳиблари ҳам жаҳон кубогини олишга астойдил талабгор экани аён бўляпти. Французларнинг Саудия Арабистони футболчилари билан учрашувида дарвозага бир эмас, тўртта жавобсиз тўпни йўллашлари шундан нишона. Бу ўйинда ҳам араб ал-Хлауий ўйиндан четлаштирилди. Араблар учрашув охиригача 10 киши бўлиб тўп суришга мажбур бўлишди. Яхшиям бу жамоанинг бахтига Муҳаммад Ад-Деайя бор экан. У қарийб 36 дақиқа дарвозаси дахлсизлигини таъминлади. Кейин майдон эгаларининг кетмакет ҳужумлари ўз самарасини бера бошлади. Тўпларни Анри (2 та), Анди ва Лиза-разюлар киритишди.

Шундай қилиб, гуруҳларда ҳозирча Бразилия, Франция жамоалари олтитадан очко билан нимчорак финалга йўлланма олишди. Қолган жамоаларнинг эса ўзаро учрашувлардан кейин курашни давом эттириш ё эттирмаслиги аён бўлади. Кеча Испания — Парагвай, Нигерия — Болгария жамоалари ўзаро учрашдилар. Бугун эса Голландия — Жанубий Корея, Бельгия — Мексика, Япония — Хорватия жамоалари майдонга тушадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Қаршида бўлиб ўтган семинарда Конрад Аденауэр жамғармаси минтақавий вакили жаноб Волфганг Шрайбер жамғарманинг вазифалари ҳақида сўзлади. Конрад Аденауэр фаолиятига бағишланган фильм намойиш этилди. Унда республика Конституцион суди раиси Б. Эшонов, инсон ҳуқуқлари миллий маркази бошлиғи А.Саидов, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, вилоят прокурори ўринбосари А. Янгибоев, вилоят судининг раиси Қ. Норматов, вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи И. Элмуродовларнинг маърузалари тингланди.

Юнус УЗОҚОВ

Тадбиркор, ишбилармон жаноблар, савдо шаҳобчаларининг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МУЗҚАЙМОҚ ЖАМОА КОРХОНАСИ

Сизларни барчанаизни ўлкамизга кириб келган ёз фасли билан самимий муборакбод этиб, жазирама кунларда ўзимизнинг лаззатли, муздеккина музқаймоқларимизни улгуржи сотиб олишга

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сиз бу корхонадан сариёғли, қаймоқли, шоколадли, мевали ва бошқа турдаги музқаймоқларни пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва тотли маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Муҳтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Маълумот учун телефонлар: 93-35-12, 93-34-34, 93-09-47, 91-30-17.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

АОО ДИЛОРОМ
МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
А.О.О. «ДИЛОРОМ» хусусий фирмаси
Сизга имконият ва юқори усталарга эга, Мавр Кетра фирмасида 47 сартарошхона ва ўзбекча салонлар сиз, ҳаётингиз давомида ишлаганингиз ҳисобига ҳизмат қилишга тайёр.
Бизнинг манзилгоҳлар:
Тошкент шаҳри,
Мустақиллик кўчаси, 156-уй, тел: 78-38-42
Волгоград кўчаси, 9-даҳа, 12-уй, тел: 78-67-60
Нукус кўчаси, 29-"А" уй, тел: 55-28-15.
Юнусобод массиви, 2-даҳа, 7-уй, тел: 212023
Х. Абдуллаев кўчаси, 71-уй, тел: 67-18-37
Х. Олимжон майдони, 11-"Д" уй, тел: 133-38-75

«ХАЗИНА — 3» ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ
Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Амир Темур халқаро хайрия жамғармасининг
ХАЗИНА
пул — ютуқли хайрия лотереяси тиражи
1998 йил 25 июнь
соат 8.30 да
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «КАМОЛОТ» жамғармаси биноси (Навоий кўчаси 11-уй)да ўйналади.
«ХАЗИНА —3» лотереяси ўйинида фаол иштирок этишга сизни чорлаймиз.
ОМАД СИЗГА КУЛИБ БОҚСИН!

«ХАЗИНА —3» лотереяси билетлари ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг барча бўлимларида, газета дўконларида ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.
Тиражда 45 миллион сўмлик 227225та ютуқ ўйналади. 50 сўмлик лотерея билетини сотиб олиб, Сиз 1000 сўмдан 1 миллион сўмгача ютуқ эгаси бўлишингиз ҳеч гап эмас.
«ХАЗИНА —3» лотереясини сотиб олишга шошилинг.

ДИҚҚАТ!
Тошкент шаҳар, Чилонзор мавзеси, Муқимий кўчаси, 98-уй олдидаги « Тико » русумли автомобилдан 13 июнь куни фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва электрон ёзув машинкаси ўғирлаб кетилган. Кимда-ким ушбу ҳужжатларни топиб олган бўлса, қуйидаги манзилга ёки телефонга мурожаат этишларини сўраймиз: Бухоро вилояти, Жондор тумани, Гулистон жамоа хўжалиги, Аҳмедов Нажмиддин
Телефонлар: 8-36-558-22-597, 8-36-522-62-658.
Тошкент шаҳрида: 41-00-02, 41-09-72, 42-93-45.
ТОПГАН ОДАМГА СУЮНЧИСИ БОР!

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 270-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Қурбонов Одилжон Эргашевич номига берилган O R-D № 454225 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Меҳнатчи ТД» масъулияти чекланган жамиятнинг шаҳар статистика марказидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома қоғози йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф БЕКМУРОДОВ, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.543 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 080

Босишга топириш вақти — 21.00. Топширилди — 24.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА